

Элчин
Сафарли

ҚАЙТГАНИМДА

ёхуд бахт ва айрилиқ
битигими тақдирнинг?

уйда бўл...

Элчин Сафарли

ҚАЙТГАНИМДА

уйда бўл..

ёхуд бахт ва айрилиқ битигими тақдирнинг?

The Best E-books jamoasi

http://t.me/kitoblarim_N1

Оиламга бағишлайман.....

Баъзан менга бутун олам, барча ҳаёт, дунёнинг борлиги вужудимга қамалиб олгану, бизнинг онлимиздан нидо бул, дея килаётгандек туюлади. У-ў, буни ҳис қилиш мумкину, баён қипашнинг иложи йук... Бу гоят ҳайбатли эканлигини ҳис қиламану, сузда изҳор қилишни бошласам гўдақларча гўлдирашдан нарига ўтмайди. Сенинг ҳиссиётларинг, сезгиларингни шундай сўзлар билан коғозда ёки оғзаки баён қилиш орқали уларни ўқиган ёки тинглаган одамга юктира олиш гоятда мушкул масала.

Жек Лондон

http://t.me/kitoblarim_N1

I кисм

Бизнинг барчамиз ким-качонлардир шўртоб сувликдан ёруг дунёга кадам қўйганмиз, зеро денгиз ҳаётнинг бешиги ҳисобланади.

Энди бизлар усиз яшай олмаймиз. Факат, энди тузни алоҳида тановул қиламиз ва чучук сувни ҳам алоҳида ичамиз. Бизнинг лимфа тугунларимиз худди денгиз сувиникидек тузли таркибга эга. Биз денгиздан ким-качонлардир ажралиб кетган бўлсак-да, у ҳамон ҳар биримизнинг вужудимизда яшайди.

Энг какрок саҳронинг ичкарасида яшайдиган одам ҳам ўзи сезмаган ҳолда конида денгизни олиб юради.

Балки, шунданми, одамлар денгизнинг бетиним мавжларини кургиси, уларнинг абадий галаёнини эшитгиси келаверади.

Бу товуш том маънода уларнинг кўҳна ватани садоси, қоннинг чорловидир.

Виктор Конецкий

1.

Узингга азоб ўйлаб топма...

Кизим Досту,

бу ерда йил-ўн икки ой қиш ҳукмрон. Кўпинча чийиллаб, аҳён-аҳёнда эса ўкириб қоладиган аёзи бор. Игнадек шимол шамоли бу тап-такир ерлар ва унинг аҳолисини ўз ҳукмронлигига асир қилганча кўйиб юбормайди. Уларнинг кўпчилиги туғилганларидан бери садокатларидан ғурурланганча бу ерларни тарк этишмаган. Яна йиллар давомида бандидан узилган баргдек кулоч ёзиб уммоннинг бошка соҳилига кочиб кетадиганлари ҳам бор. Булар асосан тирнокларини ёрқин рангларга бўяб олган кўнғир сочли аёллар.

Уммон ортга чекинаётган ноябрнинг сўнги беш кунда улар бир кўлига жомадонлари, бошкаси билан болаларини етаклаб жигарранг плашларига ўралганча бандаргоҳ томонга шошилишади. Бу аёзли ерларга садокатли аёллар эса деразалар копкасидаги тирқишлардан кочиб қолаётганларни кузатиб қоларкан, уларга ҳасадданми, балки садокат ва оқилаликдан, заҳарханда қилишади.

«Ўзларига азоб сотиб олишяпти. Биз етиб бормаган жойларда ҳаёт яхшироқ, дея ўз ерларининг қадрини топташмоқда..»

Ойинг иккимизга эса бу ер яхши. Окшомлари ойинг шамоллар ҳақидаги китобларни овоз чиқариб ўқийди. Худди сир-синоат оламига дахлдордек, қаддини тик тутганча, тантанавор оҳангларда. Бундай пайтларда Мария худди об-хаво маълумотларини ўқиётган суҳандонларни эслатади.

«..Тезлик секундига йигирма-қирқ метрларни ташкил қилади. Ялли сохилни эгаллаганча, тухтовсиз эсади. Кучайиб бораётган

оқимлар таъсирида бир неча километр юқорига кўтарилган шамол тропосферанинг куйи қатламларида ҳам кузатилади...»

Унинг олдидаги столда кутубхонанинг бир неча китоблари тахланган, ёнида куритилган апельсин пўстлоги ва арғивондан чой дамланган чойнак. Ойингни саволга тутаман.

«Шу тиниб-тинчимас шамолларнинг нимаини яхши кўрасан?»

У кўлидаги финжоши ликопга кўйганча янги варақни очади.

«У менга ёшлигимни эслатади....»

Қош қорайганида деярли кўчага чикмайман. Узимизнинг мана шу, ройбуш, юмшатирилган тупроқ ва сен яхши кўрадиган хўжағат киёмли печенье хиди анкийдиган уйимизда ўтираман. Бу печенье уйимизда ҳамма вақт бор, ойинг сенинг улушингни шкафга олиб кўяди: унга халиям сен жазирма кучадан ошхонага райхонли лимонад ва печенье учун бирдан югуриб кириб келадигандек туюласан.

Қоронгу тунлар ва уммоннинг коп-кора сувини ёктирмайман, Досту, улар сенга бўлган согинчимни кучайтириб юборади. Уйда, Мариянинг ёнида енгил тортаман, сен ҳам худди ёнимиздагидек туюласан.

Майли, кўнглингни бузгим йўк, бошка нарса ҳақида гапира қолай..

Ойинг эрталабдан тушгача кутубхонада утиради. Бу ерларда китоблар ягона кўнгил ёзадиган эрмак. Бошқалари эса шамоллару

рутубат ва халкнинг феъл-атвори туфайли кул етмас орзуга ўхшайди. Рақс тўғараги ҳам бор, лекин у ерга ҳамма ҳам боравермайди.

Мен уйимиз яқинидаги новвойхонада ишлайман. Қўлда хамир кораман. Ҳамкорим Амир билан турли: ок, жавдар, зайтунли, эзилган сабзавотли ва анжирли нонлар ёпамиз. Улар жуда ширин чиқади, сенга ҳам ёккан бўларди. Хамиртурушни фақат кўлболасидан фойдаланамиз.

Досту, нон ёпиш меҳнатсеварлик ва сабр-токатнинг қахрамонлиги. Бу четдан қараган одамга туюлганчалик оддий эмас. Узимни бу ишсиз тасаввур қилолмайман, гўё авваллари қилиб юрган ҳисоб-китоб ишларим бировнинг ҳастида рўй бергандек.

Сени соғинаман..

Даданг

2.

Бизга кўп нарса берилган,
лек уларни қадрламаймиз...

Досту,

сени ўзлари билмаган ҳолда бизнинг яхши бўлишимиз учун ҳисса кўшаётганлар билан таништирмоқчиман. Ёшимиз етмишга яқинлашиб қолганлигинг нима ахамияти бор! Ҳаёт – ҳеч кимга топшириб булмайдиган даражадаги юмушинг, аниқроғи ўз устингда тинмай ишлашинг. Баъзан бундан чарчайсан ҳам. Бунинг сири нимадалигини биласанми?

«Ҳар ким ўз эзгу сўзи, муомаласи, гап-сўзсиз мадади, суянчик була олишиши, очик дастурхони билан ҳаёт йўлида енгил ва бой беришларсиз одимлашда ёрдам кўрсатганларни умри давомида учратаверади. Қайтар дунё деганлари шумикан...»

Марснинг эрталабдан кайфияти яхши. Бугун якшанба, Мария билан уйдалигимиз учун эрталабки сайрга хаммамиз чиқдик. Иссиккина кийиниб, кўлимизга чойли термосни олганча сокин пайтлари чағалайлар дам оладиган ташландик бандаргоҳ томон жўнадик. Марс кушларни хуркитмасдан, улардан берирокда ётиб олади ва уларга ҳавас билан термулади. Итимиз корнини совук олдирмаслиги учун унга иссик кийим тикиб берганмиз.

Мен Мариядан нима учун Марс хулди одамлардек кушларни кузатишни яхши кўришини сўрадим.

«Кушлар, биз одамларга туюлганидек, мутлақо эркин ва озод. Улар бизга ўхшаб дардларини эслатадиган жойларга боролмай ўтиришмайди...»

Досту, кечирасан, гап билан бўлиб сени Марс билан таништиришни унутибман. Такса номли зотдор ит ва оддий кўппакнинг чатиптирилишидан дунёга келган бу итимизни асрандихонадан олганимизда жуда кўркок ва хуркак эди. Қарамоғимизга олдик, меҳр кўрсатдик.

Унинг ўтмиши жуда аянчли. Марс бир неча йилни коп-коронгу ертулада ўтказган, бераҳм хўжайини уни турли тажрибаларга грифтор қилган. Ўша бераҳм жаллод бандаликни бажо келтирганидан сўнг аранг жон саклаб колган кучукчани кўшнилар топиб олишган ва валонтёрларга топширишган.

Марс бир ўзи, айникса коронгу тунларда, танҳо коллолмайди. Унинг атрофида иложи борича купчилик булиши керак. Уни кўпинча ўзим билан ишхонамга олиб кетаман. Бадковоккина булсаям, таниш-билишларим Марсни яхши кўришади. Унга атаб уйларида егуликлар олиб келишади.

Биз уни нимага «Марс» деб атаганимизни биласанми? Унинг кизғиш-оловранг жунлари олис сайёра табиати каби сирли ва мафтункор. Бунинг устига у ўзини совукда яхши хис қилади, кор уюмларида ўмболок ошишни яхши кўради. Марс сайёраси хам кизғиш-оловранг тусга эга бўлсада совуксевар. Хуллас, итимизга узининг ажойиб лакаби ярашади.

Сайрдан қайтаётганимизда кор янада кучайди. Кўриқчи аскарлардек тизилиб олган электр устунларини тутаптириб турган узуп-узун симлар кордан қобиқ ясай бошлади. Йўловчиларнинг

айримлари ёғаётган кордан кувониб, кипригига кўнаётган қор парчаларини томоша завкланган бир пайтда бошқалари сўкинганча тезроқ одимлашга тушди.

Досту, биласанми, кишилар бир-бирларига ҳалал бермасликлари нақадар муҳим бу ҳаёт онларида. Майли, улар яратаётган мўъжиза кичик ва оддийгина бўлсин. Ҳар кимда ўзига хос сокинлик мавжуд. Кимдир оддийгина оппок варақ каршисида, кимдир деразапардаси кутарилган ошхонада, яна кимдир чекка қишлоқдаги шифохонада, бошқа бири эса жимжит залнинг сахнасида..

Бу қараки, ташқарига чиқаришдан чўчиганча ботинида каройибот яратаётганлар ҳам озчилик эмас.

Яқинларинг иктидорини шубҳа остига олиш яхшимас. Ок варақка тикилганча илхоми билан суҳбатлашаётган, пиширга таомини татиб кўриб севинадиган кишиси дераза ортида пайдо булишини кутаётган, баланддаги буюқ ишларни пастдаги оддий юмушлардан бошлаган, жимжитликда гулдурос карсакларни тинглай олаётган кишиларга ҳалал беришнинг нима кераги бор.

Одамларга жуда куп нарсалар шунчаки текинга берилади. Улар эса хақиқий гўзалликни қадрлаш ўрнига унинг қиймати ва тўлови устида бош қотиради. Умр дея аталмиш неъмат ўтиб бораётган лаҳзадан лаззатланиш ўрнига қора кунларига йигинади...

Ссни соғиндим!

Даданг

3

**Қайиқдасан, қаёққа
сузаётганингни унутма!**

Досту,

бизнинг оппок уйимиз уммондан ўттиз турт кадам берида жойлашган. У кўп йиллар бери бўм-бўш, унга элтадиган йўллар эса қалин муз билан копланган. Мўркони кум, чағалайлар пати ва сичкон тезаги билан тўла. Печкаси оловни, деворлари эса илик ҳароратни унутиб қўйган. Музлаган дераза ойналаридан уммон деярли кўринмасди.

Шу ерликлар бу уйдан хадиксирашади ва уни «мечес», яъни «оғрик юқтирувчи» деб аташади.

«Бу уйда яшаганлар ўз қўрқувлари асирига айланишиб, эсдан айрилганлар...»

Бундай ахмокона таърифлар ҳам бизни тухтатиб қололмади ка унга кадам кўйганимиздаёқ бу уйни яхши кўриб колдик. Балки, кимларгадир у зиндонга ўхшаб колгандир, аммо бизлар учун чинакам бахт қасрига айланди.

Кучиб киргап заҳотимиз печкага ўт қаладик, чой дамладик, туни билан иликлик сингган деворларга эртаси куни бўёк тортдик. Ойинг бипафша ва лаванда оралиғидаги «юлдузли тун» рапгини танлади. Ажойиб манзара. Бизга бу ранг ёқиб колганлигидан деворларга расмлар осиб уларни тусиб қўймасликка келишдик. Энди уйимиз ичида ҳам юлдузли тунимиз бор...

Печка атрофига сурат илмаган бўлсақда меҳмонхонамиз деворларидаги токчаларни тулдирдик. Досту, токчалар сенинг болалик оламингни тўлдирган рангли китоблар билан тўлди.

Ойинг айтган гаплар эсингдами? Бу ўғитларни сирға қилиб такқанингга шубҳа йўқ.

«Агар ишларинг ўхшамаса, қўлингга китобни ол, у ёрдам беради!»

Олиسدан уйимиз қорнинг оқлигига кўшилиб кетади. Эрталаблари оппок кенгликка қараб кўзинг камашади. Факат уммоннинг кўкимтир сахни ва Ўзгирнинг занглаган ёнлари кўринади, холос. Бу бизнинг дўстимиз, унинг суратини хам юборяпман, танишиб ол.

Ўзгалар учун бу алимсоқдан қолган балиқчилар катери. Биз учун эса ўзгаришларни мардларча қабул қилиш қанчалар муҳим эканлигини эслатадиган қадрдонимиз. Бир пайтлар Ўзгир ҳайбатли тўлкинлар қанотида уммон багрига тўр отганча яркираб сузиб юрган, энди эса хорғин ва ювош ҳолда кирғок лабида кун кўрмоқда. У хамон мавжудлиги ва уммонни олиسدан бўлса-да кўриб турганидан хурсанд.

Ўзгирнинг каютасидан турли ғаройиб фикрлар билан тўлдирилган борт журналинни топиб олдим. Кайднома дафтари шу ерликлар лахжасида тўлдирилган. Бу ёзувлар кимга тегишли эканлиги номаълум бўлса-да, Узгир хотира дафтари оркали биз

Кеча Ўзгирдан тақдир ҳукмига ишонишғишонмаслигини сўрадим. Журналнинг учинчи саҳифасидаги ёзувлар мени хайратга солди.

«..Бизга вақтни бошқариш ҳукми берилмаган, аммо уни нима билан ва қандай тулдиришни узимиз ҳал қиламиз.»

Ўтган йили маҳаллий ҳокимият вакиллари Ўзгирни металл-ломга топшириб юбормокчи бўлишди. Агар Мария булмаганида катернинг умри якунига етарди. У катерни ховлимиз ёнига ташитиб келди.

Досту кизим, ўтмиш ва келажак бугундан кўра аҳамиятлироқ эмас. Бу дунё суфийларнинг маросим ракси ҳисобланган семага монанд: бир кўл кафти билан дуо талабида осмонга қараган бўлса, бошқаси олганини баҳам кўриш учун ерга қараган холда.

Ҳамма гапираётганида сукут сакла. Сузларинг севги хакида жарангласа ҳам, жаранггига кўзёшларинг ҳамрохлик килса ҳам гапир! Енингдагиларни кечира олишни ўрган, шунда ўзинг ҳам кечирилишга муяссар бўласан. Шошқолоклик қилма, аммо кайиғинг қаёққа сузаётганлигини ҳам эсдан чиқарма. Балки, у йўлидан адашгандир?

Соғинч билан..

Даданг

4.

Ҳаёт — бу шунчаки йў...

Одимлашдан лаззат од!

Досту,

Биз бу шаҳарга жомадонларимиз билан якинлашганимизда ягона йўлни кўз очирмайдиган, кахрли ва калиндан-калин корбурон тусиб кўйганди. Ҳеч нарса кўринмасди. Йўл четидаги карағайлар шохи бурондан чайқалаётган машинани дарралаб коларди.

Бу ерга кслишмиздан бир кун олдин об-хаво маълумотига карагандик: бўрондан ҳеч қандай дарак йўқ эди. Бўрон ҳақидаги ҳадигимиз қандай тез унут бўлган бўлса, у худди шундай бир лахзада бошланди. Уша дакикалар ичра унинг охири кўринмайдигандек эди.

Мария ортга қайтишни таклиф қилди. Одатда иродали ва хотиржам ойинг ҳам саросимага тушиб қолганди.

«Бу биз учун йўлга чиқмаслигимиз белгиси! Машинани ортга қайтаринг!»

Кунишимга сал қолди...

Аммо олдимиздаги Ғовдан кейин бизпи нималар кутиб турганлигини ёдга олдим: бахт қасримизга айлапажак оппок уй, бепоён тўлкинларга эга уммон, арғувон тахта устидаги иссик нон ҳиди, Ван Гогнинг чорчўшли «Лолалар даласи», асрандихонада бизларни кутастган Марснинг тумшуғи ва яна куп нарсалар куз олдимга келди ва газни босдим. Олға!

Агар ўшанда биз ўтмишга кайтганимизда кўп нарсаларни кўлдан чиқарардик. Бу хатлар ҳам бўлмасди. Айнан кўркув, ҳа,

кўпчилик ўйлаганидек зулм эмас, кўркув ва ҳадик мухаббатнинг асл кийёфасини тўсали. Шунингдек, агар кўркувни бошқара олмасанг, илоҳий иктидор ҳам тавки лаънатга эврилиб, вайронагарчиликлар олиб келиши мумкин.

Досту кизим, ёшинг бир жойга бориб қолганида ҳаёт сабоқларини қабул қилиш қанчалар қизиқарли эканини биласанми? Одамнинг улкан жоҳиллиги - барча-барчасини бошидан кечиргани ва ҳис қилганлигига бўлган ишончи. Бу оса ҳақиқий кексалик ва ўлимдир. Кексалик деганим ажинлару оқарган сочлар эмас, ўлим деганим нафас олишдан тўхташ дегани эмас. Бу ўлим курашдан иборат ҳаёт сахнасидан қўл силтаб кетмок...

Бизнинг асрандихонада тасодифан танишиб қолган Жан исмли психолог дустимиз бор. Биз Марсни, у эса думсиз малла мушукни олгани борган экан. Яқинда Жан одамлар орасида ўз ҳаётларидан қониқиш-қониқмаслиги тўғрисида сўровнома ўтказди. Кўпчилик ижобий жавоб берди. Шунда Жан навбатдаги саволини берди: «Сизлар шу ҳолатда яна юз йил яшашни хоҳлайсизми?» Жавоб ўрнида кишиларнинг юзлари буришиб кетди.

Одамлар шодон яшаган ҳолларида ҳам ўз-ўзларидан безор бўлиб кетишади. Улар ўзлари кўниккан шарт-шаротларидан, муқалдас билган эътиқодидан, яхши-ёмон аъмолларидан, қолаверса меҳр-мухаббатидан эвазига бирор нарса кутишади.

«Ҳаёт – шунчаки йўл. Одимлашдан лаззат ол!»

Жан табассум билан бизпи уйига, пиёзли пиёва шўрва ичишга таклиф килади. Мехмондорчиликни кейинги якшанбага колдирдик. Балки, бизга кўшиларсан?

Кутиб қоламиз...

Даданг

5.

**Биз бир-биримизга жуда
керакмиз...**

Кизим Досту,

пиёзли пиёва шурва жуда зур чикди. Унинг тайёрланишини, айникса Жан саримсок суртилган қотган нонларни пўрвали кўзачаларга биқтириб, устидан зиравор сепганча духовкага тиккан онларни кузатиш жуда марокли. Икки дақиқадан сўнг биз фарангча шўрвадан лаззатландик. Тансик таомга ок вино хамрохлик килди.

Биз анчадан бери пиёзли пиёвадан тотиб куришни истардигу ҳеч вақт-соатини тополмай гараг эдик. Унинг бунчалар ширин булиши хаёлимизгаям келмаган экан. Мактаб давридаги катта-катта парраклапгаш пиёз бўлаклари сузиб юрган шилтик шўрва ҳеч кимнинг иштахасини очмасди-да..

«..Менимча, французларнинг ўзлари ҳам бу гаройиб таомни қандай тайёрланишини унутиб юборишганлари сабабли доим бир-биридан ширин янги рецептларни уйлаб топишади. Энг муҳими пиёзнинг ширин навларидан кераклисини танлаш. Шакар кўйиши эса иложсиз ҳоллардагига зарур. Яна шўрвани ким билан тановул қилишингиз ҳам муҳим. Французлар пиёзли пиёвани ёлғиз ичишмайди. «Бунинг учун у ҳаддан ташқари иссик ва лаззатли», дер эди менинг Изабеллам.»

Жан бувисини шундай атаган. Унинг ота-онаси автоҳалокатда нобут булганларида Жан ҳали болакай эди. Уни Изабелла хоним тарбия килган. У жуда оқила аёл бўлганига ишончим комил. Бувисининг туғилган кунида Жан пиёзли пиёва шўрва кайнатади, дўстларини чорлайди ва жилмайганча болалигини хотирлайди.

Жан Франциянинг шимолида, дунёдаги барча рассомлар, шулар жумласидан Моне ҳам манзаралар чизгани келадиган Барбизон шахридан.

«Менинг Изабеллам менга одамларни севиши ва бошқаларга ўхшамаганларга ёрдам беришни ўргатди. Балки, бундайлар ўшанда, бизнинг мингтача аҳолиси бор кичик кишлогимизда бошқалардан ажралиб туришгани ва бу уларни оғир аҳволга солганлигидан бўлса керак. Бувим айтишича, ўртамиёналик хукмронликни кўлга олганларнинг уйлаб топган ақидаси бўлиб, бизларни камситиши ва ўйлаб топган идеалларига мувофиқ келмаслигимизни пеш киши куроли бўлган. Ўзларини аллақандай иллатлилар тоифасига киритиб қуйганларни бошқариши осонроқ эмиш... У мени мактабга кузатиб қўяркан, ҳар гал бир гапни турли жумлалар орқали уқтирарди.

«Бугун сен ўзингдаги бетакрорликни учратасан деб умид киламан!» дерди раҳматли... »

...Досту, ўша кеча жуда ажойиб эди. Чор- атрофимиз ажойиб хотиралар, иштаҳа очувчи ифорлар, таъмининг янги мазаси билан тулик эди. Тўкин дастурхон атрофида ўтирардик, радиодан эса Тони Беннеттнинг «Life is beautiful» таронаси таралаёттанди. Оёқларимиз остида корни тўйган Марс ва мезбон мушук Матис ухларди. Бизни ёруғ хотиржамлик оғушга олганди, бир суз билан айтганда, ҳаёт давом этарди.

Жан Изабелла хонимни, Мария иккимиз эса ўзимизнинг бобо-ю бувиларимизни эслардик. Биз улардан хаёлан узр сўрар ва хаётий сабоқларимиз учун ташаккурларимизни билдирардик. Биз улғайган сари уларнинг камхўрликларига камрок муҳтож бўлганлигимиз учун унутиб кўйгандай одик. Улар эса барибир бизларпи севишда, кутишда давом этишган.

Досту, бу ғалати дунёда бизлар бир-биримизга ғоятда керакмиз.

Унутма, бизга кераксан!

Даданг

6.

Бизнинг ягона бурчимиз

ҳаётни севиш

Досту,

сен хам баъзан галати, ғайриоддий ҳолатларга дуч келсанг керак. Жан бу ҳолатни реинкарнациянинг намоён булипи, деб таърифлайди. Бархаёт рух узининг янги ҳолатида аввалги вужудда хис қилган нарсаларни хотирлаб қолади. Бушга ақл бовар қилиши кийин.

«Чексиз коинот мана шу митти заминдаги улим деб аталмиш ҳилкатдан курқмаслик кераклиги, борлик абадий эканлиги уқтириб туради...»

Кейинги йигирма йиллик ҳаётимда мен билан бунақанги ғайритабиий ҳолат руй бермади. Аммо кечагина ёшлигимдаги лахза айнан такрорланганини ҳис қилдим. Кечга яқин бўрон кўтарилди ва биз Амир билан барвактрок саранжомладик: у эрталабки нон учун ҳамиртурушни ачитишга кўйди, мен қат-қат кулча учун корицали олмаларни димлашга кўйдим. Бу янги кулчамиз миждозларга ёқиб қолганди. Катламли ҳамир тез етилади, шунинг учун ичига солинадиганларни кечки пайт тайёрлаб кўямиз.

Кечки етиларда новвойхонани ёпиб кўйдик.

Тубидаги сокинликци яширганча сиртида ғалаёнга келган уммонни ёкалаб уйга қайтаётгандим. Сохил буйлаб одимларқанман четдан караганда сиртимга хотиржамлик либосини кийиб олгандек эдим, бироқ ичимда ўз ўй-хаёлларим тўлкинида чайқалардим. Бир вақт юзимга изғирин оғрикли игналарини санчишга тушди.

Юзларимни изғириндан яширганча хаёлан эллик йиллар буринги хотираларимга кўчиб ўтдим.

Ўн саккиз ёшдаман...

Уруш...

Бизнинг батальон узунлиги етмиш километрлик тоғда жойлашган чегарани мудофаа киларди. Иигирма даража совуқ, Тунги боскиндан сўнг жуда камчилик колгандик. Унг елкамдан олган жароҳатимга карамай постни ташлаб кетмагандим. Егулик тугаган, сув ҳам жиндаккина, бўйрук - тонггача туриб бериш! Ёрдамчи кучлар йўлда. Ҳар дакикада душманлар батальон қолдиғини яксон қилиб ташлаши тайин.

Совкотган ва кучдан колган, вақт-вақти билан оғрикдан хушимни йукотганча постда турардим. Бўрон кутиргандан-кутирар, ҳар томонимдан ҳамла киларди.

Досту, ана шунда мен илк бор ноумидлик исканжасида колдим. У аста-секинлик билан ич-ичимни тулдирди, унга каршилиқ килишга мадорим колмади. Бундай дамларда дуо узишгаям диккатингпи жамлай олмай коларкансан киши. Кутасан. Е хаёт, ё мамот...

Биласанми, ўшанда мени нима асраб колди? Болалигимда эшитган бир ходиса. Уйдаги катталар гаплашиб утирган стол остида беркиниб ўтирган пайтимда Анна бувим ана шу ходисани хикоя

килиб берганди. Бувим шафкат хамшираси сифатида Ленинград камалини бошидан ўтказган.

Бувимнинг эслашича, шаҳарни тинимсиз тугга тутиш пайти аёл ертуладаги жонсаклаш масканида горелкада шўрва кайнатаётган экан. Шурвагайм ким пимани топчап бўлса шуни солишган: бировдан картошка, бошқасидан пиёз, кимдадир тинчлик унларидан қолган бир ховуч ёрма деганларидай. Шўрва деярли тайёр бўлганида ошпаз аёл копкакни столга қўйиб, мазасини кайта ёпибди: «Яна беш дакикадан сўнг тайёр булади!» Мадорсиз одамлар не-не умидлар билан навбатга туришибди.

Аmmo ўша шўрвани ичиш уларга насиб килмаган. Шурвага бир бўлак совун тушиб қолган экан: ошпаз аёл копкакни столга куйган пайти унга совун бўлаги ёпишибди-қўйибди. Минг афсус, ишкорли совун қўшилиб кайнаган таомни ичиб бўлмасди. Беш дакика ичида козон ёнида оч-нахор кишилар турнакатор бўлиб тизилишган. Тайёр шурвани сузишдан олдин яна бир бор таътиб кўрган ошпаз аёл йиглаб юборибди..

Ҳич ким унга танбех бермаган, тазйик ўтказмаган, ола карамаган. Энг оғир вазиятларда ҳам одамлар инсонийликни йўқотишмаган.

Ана шу куни постда турган пайтим Анна бувим айтиб берган воқеани кайта-кайта эсладим. Куч топдим. Тонг отди, ёрдам кучлари ҳам етиб келди. Мени госпиталга олиб кетишди.

Досту, одам канчалар уринмасин, ҳаёт сир-синоатини тўлалигича идрок эта олмайди. Биз кўп нарсаларнинг кандай ва нима учун айнан шундай тузилганлигини тушуниб етгандай буламиз узимизча. Аммо хар бир янги куннинг кўйди-чикдилари, майда ташвишларига ечим тополмай колишимиз - бизлар ҳамон она сути оғзидан кетмаган бандалар эканимизни исботлайди. Бизнинг ягона бурчимиз хаётни севиш, бир-биримизни ардоклаш.

Ардоғимдасан..

Даданг

7

**Мен сени қанча керак бўлса,
шунча кутаман!**

Досту,

мен ойинг билан танишган пайтим у эрли жувон эди. У йигирма етти, мен эса уттиз икки ёшда эдим. Мен ўша захоти унга боулган хисларим хакида огиз очдим. Биламан, олали аёлга бундай дейиш беодоблик. Ўртамизга чизилган одоб ва иффат чизигидан факат суз изхоримгина учиб утди.

«Сизни канча керак булса, шунча кути оламан...»

Мария ишлайдиган кутубхонага факат китоб олгани борардим. Марияни, гарчи у ёнимга келишга ваъда бермаган бўлса хам, тўрт йил кутдим.

Кейинчалик билдим: мени бир куни ўзидан совиб, такдирга тан бериб кетади, деб уйлаган. Аммо мен ўз танловимда катъий эдим. Бу бир карашдаги оний мухаббат булмай, азал-азалдан меп учун яралган хилкат эди. Уша илк кўрган пайтимдаёк мана шу кизгиш сочли аёл менинг рафикамга айланади, дея ўйладим. Шундай булиб чикди хам.

Менга унинг ҳеч нарсаси эмас, ўзи керак эди. У менга фарзандлар тугиб бериши ва уйимни оройишталикка тулдириши, иккимизни учраштирган йулда доимий хамрохим булиши.. Бу каби режалар умуман хаёлимга келмаган. Ҳар кандай шароитда ҳам бирга бўлишимизга чукур ишонч бошка хар кандай шубха-гуммонларни бир четга супириб ташлаганди. Ўзимни овутишим мумкин эди, лек хисларимни алдай олмасдим...

Мария билан учрашувим - бу умид йўкдай туюлган пайтда ҳам иккиланишдан ҳоли булганим эди. Мен ишонардим. Азал-азалдан ҳаёт йулимиз биз истаган чорраҳада кесишишини билардим. Йўллар айролигига ишора килувчи сабаблар етарлича эди, бироқ барибир ишонардим.

Ўз тақдири билан учрашишга ҳар кимса лойик. Бироқ бу нарса ҳамма тақдир пешонада ҳам содир бўлавермайди. Айримларга ирода етмайди, танлаган йўлини бошка сўкмокка буради. Бошқалари эса ҳафсала қилмайди. Ўтмишнинг муваффақиятсиз тажрибасини ўз кучини кўрсатади. Кимдир эса бориға барака қилганча тақдир инъом қилганидан ортиғига умид ҳам қилмай кўяди.

Сенинг дунёга келишинг Мария иккимизнинг орамиздаги иттифокни янада мустаҳкамлади. Биз бир-биримиз ва ишимизга шу қадар маҳлиё эдикки, бир кун фарзандли булишимиз мумкинлиги ҳаёлимизгаям келмаган. Муҳаббатни дустлик ва эҳтироснинг ажойиб уйғунлиги деб атаб юрган эканмиз. Муҳаббат - бу оила экан. Қандай тушунтирсам экан сенга, эҳтиросга тула юраклар аҳиллигининг бир кумғон атрофида, бир кўргон остида фаровон турмуш кечириши экан. Хуллас, ҳаёт бизга мўъжиза ато этди. Бу сен эдинг...

Бизнинг қалбимиз ва вужудимиз қовушиб, ягоналик қасб этди. Ҳаёт сукмоғимиз умумий йўлга айланди. Туғри, бу йўл бир текис эмас. Баъзан хатоларга йўл қўйганимиз рост. Бироқ иложи борича

қумғондаги гулханни ўчирмадик, қўрғон соясидан четга чикмадик,
сени севишдан, асрашдан тухтамадик.

Мария сени тебратаётиб хавотирга тушади. Мен бунга жавобан
жилмайиб кўяман.

*«Кизимиздаги ўзгаришлар кун сайин шу кадар тезлашмокдаки,
кани энди иложи булса-ю, виқтни тўхтата олсам, туйиб-туйиб
тикилиб боксам...»*

Уйку элитаётан кўзларингни очганча табассум қиласан.
Шундай ота-онанг борлигидан бахтиёрсан гўё. Бизга хеч нарса
бундап ортик бахт тортиқ қилмаган...

Досту, бахтга элтувчи йўллардаги ғовлар - онгости сароблари,
кўркувлар - пуч хавотирлардан ўзга нарса эмас. Орзуларимиз -
бизларнинг хақиқий воқеийлигимиз.

Сени соғиниб,

Даданг

8

**Ақдсизликнинг ярми оқилликдан
нишона, оқилликнинг ярми
ақдсизликдан...**

Досту,

якин-якингача новвойхонамизда Умид исмли асовгина оққўнгил йигит ҳам ишларди. Унинг вазифаси- пиширикларни мижозларнинг уйига етказиб бериш. Мижозларимиз, айниқса кексароқ ёшдагилар уни жуда ёктиршарди. У онда-сондагина табассум килса-да, жуда сермулозамат эди. Йигирма ёшли Умид менга ичи норозиликка тўла-ю оғзи берк, исталган пайтда ташқарига отилиб чиқишга шай вулқонни эслатарди.

Умид диний мактабда таҳсил олган, комиллика эришган инсон бўлишни орзу киларди. Балоғат остонасида нимадир булгану ўқишни ташлаган, уйдан бош олиб кетган.

«Купчилик эътикодчилар асл қиёфаларини яшириб, риёга қўл уришади!»

Куни кечагина Умид ишдан бўшамокчилигини айтди. Кўчиб кетармиш...

«...Бу лаънати шаҳарда ортик бир кун ҳам яшамайман. Унинг таскаралигини - бетакрорлик, жамиятнинг ясамалигини — ўзига хос менталитет деб узимни юпатиш жонимга тегди. Сиздек, янги келганларга унинг таг-замиригача чириб кетганлиги кўринмайди. Бу ернинг абадий киши ҳам географик жойлашувидан эмас, лаънатланганининг оқибати. Хукуматга қаранг, факат ватанга муҳаббат ҳақида сафсата билангина машғул. Ватанпарварлик ҳақида кўпиртиришимокдами, билинги, яшигини ўғирликка қўл

уришган. Бунда бизнинг ҳам айбимиз бор, уларни сайлашаётган пайтда бодрок еганча телевизорга маҳлиё бўлиб ўтирганмиз!»

Амир Умидга яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат берди, мен эса сукут сақлашни афзал билдим. Ўзимнинг ўсмирлигини яхши эслайман - мени тўхтатиб коладиган куч йўкдай эди. Зарбли қарорларим олдга интилишимга ёрдам бергани рост, лекин... эҳтирос ва тўғри қарор орасида осмон билан ерча масофа бор.

Досту, менинг бобом Бариш диний мактабда муаллим бўлганлигини биларсан? Мен бобом билан Худо хакида куп суҳбат қурадим. Мен тепамда турган, мени теварак-ла ўраб олган илоҳий кучларни қалбан ҳис қилардим, аммо айрим диний ақидалар ичимда норозилик уйғотарди.

Бир куни Бариш бобомнинг мактабда юз берган навбатдаги адолатсизликка хотиржам муносабатда бўлганлигидан ғазабга минганим эсимда.

«Бобо, ҳаммасининг ўз вақт-соати борлиги ёлгон! Бизнинг иродамиз кўп нарсага кодир! Хеч қандай муъжиза йўқ, тақдир ҳукми - бўлмаган гап! Ҳаммасини ўзимиз, иродамиз ҳал қилади!»

Бобом менинг кифтимга қоқди. У яна вазмин оханги билан олов юрагимга сув сачратарди...

«Сенинг гапларингдан ҳам кўриш мумкинки, ҳаётда ҳар кимнинг ўз йўли, услуби бор. Бундан қирққ йиллар аввалги пайтларим сен

билан ҳамфикр була олардим. Энди эса Яратган ҳамма вақт ёнимиздалиги ва барчаси унинг измидалигини тушунаман. Бизлар эса худди ёш болалардекмиз.. Қайси биримиз интилувчан, яратувчан, қатъий, кимдир эса, аксинча шунчаки томошабин. Терадагилар бизларни қандай куришни хоҳлашмасин, биз ўзлигимиздан кечолмаймиз. Эзгу ишларимизни кўпайтириб, иллатларимиздан қутилиш учун узимизни синдиришни истамаймиз...»

Ўшанда бобомнинг гаплари менга уйдирмадек туюлганди, бироқ йиллар оша ўзимга илохийликдан таскин топиш учунмас, бу дунёдаги барча нарса мувозанатдалигидан: ақлсизликнинг яримни оқиллик, оқилликнинг ярмиини эса ақлсизлик ташкил этганлигидан бу фикрларга мурожаат қилмоқдаман.

Умидни кўндириб бўлмади. Баъзан одамларни ёмонлиги учун ҳам севмасдан бўлмаслигини тушуниши учун у кетиши керак эди.

Калбингга кулок сол!

Даданг

9.

Вақтнинг измида эканлигингни унут,

бари изига тушади...

Досту,

бугун ниҳоят мен литваликлар нонини ёпа олдим. Бунга бир неча ҳафтадан бери уринардиму ўхшатолмасдим. Гох жудаям ширин, гох эса ғоятда нордон бўлиб чикарди. Бу нон ўз таъмига кўра нордон, уни асал ёрдамида меъёрга келтиришади. Уша меъёрнинг олтин оралиғини тополмай хуноб эдим. Яна хамирни рисоладегидек тиндиришни эплай олмаётгандим, пишган батонларнинг ёригидан ичидаги юмшоқ мағзи мўралаб коларди.

Амир литваликлар рецепти бўйича тайёрланган хамир жуда сезгир бўлиши, унинг тайёрланиш жараёнига бор диққатни жам қилиш зарурлигини тушунтирди. Бу хамирни қораётганда бошқа нарсага чалғимаслик керак.

«Вакт измида эканлигини унут ва бари изга тушади..»

Уриниб кўрдим...

Нон жуда яхши, бус-бутун, кўриниши эса шоколад рангида, жудаям иштаҳа очадиган бўлиб чиқди. Иккинчи-учинчи кунларда янада мазали бўлиб борди.

Досту, у сенга ҳам ёкқан бўларди!

Бизнинг хафсаламиз сокушига сабаб кўпинча вокеликдан узилиб қолганча ўтмиш хотиралари ёки келажакни кутишга банд бўлиб қолишимизда.

Кизим, мен сени кўпинча шошилтирардим, узр. Сен куп нарсага улгуришингни хоҳлардим. Балки ўз болалигимда кўп нарсаларни

бой берганим бунга сабаб булгандир? Урушдан кейинги йиллар мактаб ва кутубхоналарни кайтадан куришганди. Менда ўқиш, билиш, идрок этиш учун шу кадар кўп истаклар бор оди-ю, аммо имкониятим йўқ эди.

Болам менинг тақдиримни такрорламасин дея кўрқардим...

Сенинг мурғак хаётинг ўз маромига эга ҳолида сени шопилишга ундаб анча кийнаб кўйганман. Аввалига сенинг сусткашлигингдан хавотирга тушганман, кейинрок қарасам ҳаммаси жойида: Досту ҳаммасига улгураяпти.

Эсингдами, бошланғич синфлар муаллимаси Лиза Буриновна сени «ақлли тошбақача» деб атаган эди. Сен бундан хафа булмадинг. Аксинча, хурсанд бўлганча биздан тугилган кунингга аквариум тошбақаси совға қилишимизни сўраб, уни ўз номинг билан атамочилигингни айтгандинг.

Сен ойинг иккимизга лаҳзани қадрлашни ўргатдинг. Биз бунини тушунмасдик, худди улоқчи отлардек елиб-югуриб, ҳаммасига бир вақтда улгуришга уринардик. Ким-канча йиллар кўп нарсалар: осудалик, хотиржамлик, бир ҳолатдан бошқасига ўтишларни кўлдан чиқарганимизни хис қилиш учун тўхташ ва ўзимизга вақт қолдирмаганимизни англаш учун сендан айрилиш, бўшлиққа дуч келиш ва бу ерга кўчиб келишимиз керак булди.

Бу ерда, абадий киш шаҳрида ажойиб, пурмаъно халк нақли бор.

«Ўзинг сира булмаган жойга бировни бошлаб кела олмайсан!»

Одамлар ўзларини хатти-харакатлари билангина баҳолашлари хақида яқинда ўқиб колдим: улар ўлимни, тўғрироги ўлим хақидаги кўркувларини унутишга харакат килишаркан. Янги ютукларга, таассуротларга бўлган интилиш кайғули фикрлардан кочишга ёрдам беради.

Қочишдан эса фойда йўк!

То унинг кўзларига тик боқмагунингча кўркув ошиб, тазйиқ ўтказаверади. Тик караганингда эса кўрқинчли нарсанинг ўзи йўқлигини тушунасан.

Шошганингда вақтга тобе бўлиб қолиш мумкинлигини унутма!

Даданг

10

Сени қучоғимга олсам дейман...

Досту,

сенга ёзган номаларимнинг орасида жўнатишга жазм килолмайдиганларим ҳам бор. Улар ҳам бошкалари каби оқ қогозга ёзилган, хатжилдга солинган, аммо тамоман ўзгача. Умидсизлик исканжасида қолганини яширолмай ёзилган сўзлардан битилган хатлар. Мен бу хатларимдан уялмайман, аммо... отанг ҳам айрим пайтларда умидсизликка тушганлиги ҳақида билишингни истамайман.

Умидсизликни иблиснинг сўнги ва миҳим куроли деб айтишади. Бу куролни кибр, рашк, нафрат каби куроллари эътиқоди ўта мустаҳкамларга таъсир қилмаганида ишлатар экан.

Балки, шундай ҳамдир, аммо вақт-вақти билан умидсизликка тушмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Бирок, ҳаёт кайғусиз, йўқотишларсиз булмаслиги ва улар уткинчилигини хис қилганда умидсизлик ҳам чекинади.

Мана шундай ҳолатларга тушган пайтим, ишхонада қоламан ва пишириклар учун хамир кораман. Уйга кайтган пайтимда Мария ухлаётган бўлади. Кийимларимни алмаштириб, Марсни сайрга олиб чиқаман, тонг отишини кутаман ва иссиқкина кулчаларни яқиндаги болалар уйига элтиб бериш учун новвойхонага кайтаман. Бу зиёратларим бекорчи ўтган кунларим ҳақидаги афсусларимни таркатишга ёрдам беради.

Ёшлик пайтларимда умидсизлигимни ароқхурлик билан ўчиришга, сершовкин улфатчиликларнинг тамаки тугуни панасига

яширинишга уринардим. Аммо сира енгиллик ҳис қилмасдим. Шунда танхоликни истаб колардим. Шу ёрдам берарди.

Сени йўқотганимдан кейин умидсизлик тез-тез келадиган ва узок келадиган бўлди. Оғир. Факат онанг буни билмаса булди. Аммо, унинг ўзи ҳам бу айриликка дош бериш учун тиришаётганлигини сезиб қолардим.

Менинг умидсизлигим нима ҳақида? Улар кўп ва турлича. Ота-онамни тортиб олган уруш аламимни келтиради. Беғубор на беайб гудакларнинг ўлими ва очликка гирифторлиги-чи? Бир лахзада катта булиб қолган болалар. Келажагида факат ўтмиш соясига дуч келган ўспиринлар. Узи учун эмас, уни кутаётганлар учун жонини асраб жанг қилган катталар...

Оила дсб аталмиш кўрғоннинг не-не иморатлари ёнди. Уйларга кўшилиб ёпиб кетган китобларни айтмай кўя қолай. Китоб эмас, адабист, тарих ёнди. Эҳ, ўз хатоларидан хулоса чиқара олмаган инсоният... Ўз тафтини бошқалар билан баҳам кўришни бас қилганча узларини танхоликка банди этган одамлар ҳақида уйлайман. Урушнинг асрлар давомида тикланмас асоратлари ҳақида..

Менинг умидсизлигим сени кучогимга ола билмаслигимдадир, кизим.

Била туриб ўз-ўзимни алдагандай, сени ўз хотираларимда кучоғимга ола биламан. Моддият дунёси бир-бирини севадиганлар учун тўсиқ була олмайди, дея ўзимни овутаман. Ойинг суратингга тикилганча йиглаётганини кўриб колганимда унга шуларни айтиб

таскин бераман. Аммо, хозир хеч нарсага ишонмайман, бу оғрик ва норозиликни кўкрагимда олиб юрибман. Сохил бўйлаб тез-тез кадамлаб кетаман. Нон ёпаман..

Досту, менга хамир кориш билан бандлик кўпрок ёкади. Унинг иссик тафтини, хушбуй ифорини, кобиги кисирлаб синиши-ю магзидан буғ сизиб чикишини, бир сўз билан айтганда, нонни ҳис килишни яхши кўраман. Уларни болалар маза килиб ейишлари кўз олдимга келади. Худди сендек юзига сепкил тошган кизалоклар. Бундай хаёллар уйга қайтишим ва яшашда давом этишимга куч беради.

Сени соғингандан соғинган,

Даданг

11

**Тирик нарсалар ўзгариб
туришга маҳкум...**

Досту

туш маҳали Амир билан масжидда бўлдик. Бугун унинг оташаси туғилган кун. Улар бир кунда, уч йил фарки билан вафот этишган. Улар Амирнинг ватанида, беҳизорлар билан куршалган қишлоқда дафн этилган.

Менинг дустим ота-онасини, ўз ватанида қолдирган барча нарсаларини соғинади. У ерда етти йилдан бери ҳукумат кўшини ва қуролланган муҳолифатчилар орасида аёвсиз уруш бормокда. Муҳолифатчилар ўз ҳукмронлигига олган ерларда кулликни жорий қилишган. Нак йигирма биринчи асрда-я!

«Уруш туфайли юртимга қайта олмайман, бунинг устига хотиним ҳам, болаларим ҳам қарши. Қишлоқдаги қабристонни портлатиб юборишибди, одамлар мархумларни зиёрат қилишдан да махрум. Унчалар такқволи булмасам ҳам тез-тез масжидга бориб тураман. Уша ерда ота-онамнинг овозини бошка жойлардагидан кўра аниқ-таниқ эшитаман...»

Ёш ўтган сари одам ўлимдан кейин нималар бўлишини ўйлай бошлайди. Исломга кўра, ҳар бир мусулмонни Арши-Аълода ёки дўзахда янги ҳаёт кутади. Бу эса унинг канчалар савобли ёки гунохкорлигига боғлиқ. Амирдан кабрдан сўнгги ҳаётга ишониш-ишонмаслигини сураган булиб уни баттар тушкун гаплардан чалғитаман.

«Кайдам... Жаннат ҳам, дузах ҳам худди бошка рағбату жазолар каби ер юзида булса керак. Менимча, у ёкда ҳар ким бу ерда нималарга ишонганига қараб ажр олади...»

Амир масжидга кириб чиққунича унинг атрофида айланиб юраман. Ота-оналарини кутаётган болалар корбурон ўйнашар, уларнинг шовкин-суронидан симларда ўтирган чумчуқлар болаларнинг боши узра учиб юришарди. Шахримиз канчалар ажойиб. Йил бўйи корга бурканганидан худди кор каби оппок, совук ва чиройли.

Масжид ортидаги майдонда кабртошлар кўзга ташланади. Илгари масжид ёнидаги мазор олий мартабалиларга муносиб саналганидан бу ерга диний раҳнамолар дафн этишган. Мен бу қабрларга термулганча айна дамда ва айна жойда яшаш мавжудликнинг энг макбул шакли дея уйлардим.

«Биз ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз ва бизнинг тасарруфимиздаги вақт жуда оз!»

Дўстим Амир - сурати ва сийрати жуда хотиржам киши. У мендан йигирма олти ёш кичик бўлишига карамай ташки дунёдаги ходисаларга жуда хотиржамлик билан, мўминларча, кахр-ғазабсиз, ноўрин саволларсиз муносабатда булади-ки, менда ҳамма вақт ҳам бундай булавермайди. У кузатувчи, аммо бефарқ эмас.

Амирнинг кундалик ҳаёти бир хилда кечади: у тонгги беш яримда уйғонади, кардомонли кахва дамлайди, уйдагиларга нонушта тайёрлайди, новвойхонага отланади, тушлик пайти гитара чалади,

кечкурун уйига кайтади, кечки овкатни бакувват қилади: биринчи овкатга зарғалдок ясмикли шурва ичади, иккинчисига иссиклик ва кувват берадиган таом, сўнг болаларига китоб укиб беради ва ухлашга ётади. Кейинги куп яна бари бошдап бошлапади.

Бундай бир тарздаги кун тартиби менга зерикарлироқ туюлади. Амир эса бахтли. Изоҳсиз, киёслашларсиз. У бундай хаёт тарзи - ўз-ўзи билан уйгунликка, Яратганга мухаббатга бирдан эришмаган, албатта.

«Мен узок йиллар ота-онам истаклари этагиди кун кечирдим. Улар менинг новвойликка булган қизиқишимга қарши эдилар. Менга эса нон ёпиш жуда қизикарли туюлар, онамнинг анисли нон ёки зогора ундан пирог ёпишларини соатлаб кузатардим. Отамнинг бундан жаҳли чикканча мени калтаклаб қолар, унинг ишини давом эттиришим учун куйхонага судраб кетарди.»

Амирни кариндошларининг қизига уйлантириб кўйишади. Улар бор-йўғи тўккиз ой бирга яшашган, келинчак безгакка чалиниб вафот этади.

“Нима қилайб ота-онамнинг истагига қарши бора олмадимю Бахтнинг ҳар доим ҳам ота онагни қувонтириш билан бошлонавермас экан...”

Ота-онаси ўлиmidан сўнг севган қизига уйланди.

Уруш туфайли қишлоқ, ватанини ташлаб кетди. Абадий қиш шаҳри Амирни ўз қучоғига олди, эгизак қизларини вояга етказди.

http://t.me/kitoblarim_N1

Досту, ўзгаришлар, ҳатто энг таваккаллари ҳам ҳаёт учун энг соз зираворлардир. Уларсиз унчалар ўхшамайди. Тирик жон ўзгармасдан қолмайди. Тирик нарсалар ўзгариб туришга маҳкум. Сен эса....

Соғинч билан....

Даданг